

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
«Ўзстандарт» агентлиги Бош  
Биректори  
А.К.Курбанов  
2015 йил « »

«Ўзстандарт» агентлиги Аккредитация кенгашининг сертификатлаштириш  
субъектлари фаолиятининг 2014 йил якунларига багишлиланган  
кенгайтирилган йиғилиши  
**БАЁННОМАСИ**

2015 йил 12 феврал

Тошкент шаҳри

Раислик қилди:

«Ўзстандарт» агентлиги  
Бошқарма бошлиғи

А. Каримов

Қатнашдилар:

«Ўзстандарт» агентлиги Аккредитация  
кенгаши аъзолари:

О. Шарипов  
Р.Хуснуллин  
С.Ходжаев  
Ж.Махсудов  
М. Шамсуддинова

**Таклиф қилинганлар:**

«Ўзстандарт» агентлиги бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази (РССМ) ва унинг худудий синов ва сертификатлаштириш марказлари (ССМ), Метрология хизматлари кўрсатиш маркази (МХКМ), Миллий эталонлар маркази (МЭМ), Ахборот-маълумот маркази (АхММ), Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ), сертификатлаштириш идоралари, сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш идоралари ҳамда инспекция идоралари раҳбарлари (рўйхат бўйича).

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Ўзстандарт” агентлигининг стратегияси ва сертификатлаштириш идораларининг фаолияти тўғрисида.
2. 2014 йил давомида аккредитация ва инспекция назорати бўйича амалга оширилган ишлар, муаммолар ва келгусидаги режалар тўғрисида.
3. Телекомуникация махсулотларини сертификатлаштириш ва мавжуд муаммолар тўғрисида.

(А.У.Каримов, Ш.Б.Алимов, Ж.А.Мелибоев, Ж.Ш.Максудов, А.У.Каримов)

**“Ўзстандарт” агентлиги Аккредитация Кенгаши сертификатлаштириш  
субъектлари фаолиятини 2014 йил якунларига бағишенланган кенгайтирилган  
ийғилишининг**

**АК-34 - сонли ҚАРОРИ**

1. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида техникавий сиёсат ва сифат тизимлари ҳамда Аккредитация ва инспекция назорати бошқармаларининг 2014 йил давомида олиб борган ишлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари ва ССМ раҳбарларига:

2.1. Мувофиқликни баҳолаш идораларида ўлчов воситалари ва синов жиҳозлари билан таъминланиши, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ҳамда халқаро аудиторларни тайёрлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2.2. Ҳар бир сертификатлаштириш идораси ўзининг ривожлантириш режасини ишлаб чиқиб АИНБ га тақдим этсин (муддат 15 март).

Унда қуидаги масалалар кўзда тутилсин:

сертификатлаштириш жараёнларини буюртмачи ва қизиқувчи томонларга очик (транспорент) ва тушунарли шаклда етказиш борасида интернет сайтларини такомиллаштириш;

синов лабораториясини замонавий ўлчов воситалари ва синов жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда янги синов турларини ўзлаштириш.

2.3. Тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида сертификатлаштириш учун тақдим этиладиган буюртмаларни интернет орқали онлайн тарзида қабул қилиш тизими 30 кун муддатда амалга киритилсин;

2.4. Ўз фаолиятларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда «Ўзстандарт» агентлигига маълумот бериб борилиши таъминлансин;

2.5. Мувофиқликини баҳолаш жараёнида иштирок этувчи мутахассисларни эксперт-аудитор сифатида аттестациядан (сертификатлаштириш) ўтказиш режажадвали ишлаб чиқилсин.(муддат бир ой);

2.6. «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 51 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва уларни синаш методларига бўлган ISO халқаро стандарт талаблари Давлат стандартлари сифатида қабул қилинганлиги қайд этилсин ва бу стандартлар бўйича аккредитация доираларини кенгайтириш чоралари кўрилсин;

2.7. Қабул қилинган техник регламентлар асосида сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида, аккредитация доираларини кенгайтирсин (муддат 1 сентябр);

2.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг электрон дастурига мувофиқлик сертификатларини ўз вақтида киритилишини ҳамда аризаларни мониторинг қилиш дастурига маълумотларни тўлиқ киритилишини таъминласинлар;

2.9. Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида юзага келаётган муаммоли масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида “Ўзстандарт”

агентлигининг Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги техникавий сиёсат ва сифат тизимларини жорий этиш бошқармасига даврий равишда маълумотлар киритиб борилсин;

2.10. Сертификатлаштиришга аризаларни фақатгина талабгордан қабул қилиш ва ўртадаги номаълум шахсларни фаолиятларини чегаралаш бўйича процедуруларга ўзгартириш киритилсин ва қатъий назорат ўрнатилсин. Олиб борилган ишлар натижаси «Ўзстандарт» агентлигига маълумот тариқасида киритилсин (муддат 2015 йил 15 март);

2.11. Намуна танлаш ва уларни идентификация қилишда эксперт - аудитор иштироки таъминланисин ва жараён мажбурий тарзда тўлиқ фотосуратларга туширилсин;

2.12. Махсулотарни баҳолаш, жумладан ишлаб чиқариш шароитини текшириш жараёнида корхонанинг метрологик таъминоти ва меъёрий хужжатларни рўйхатга олинган нусхаларидан фойдаланиши таъминланисин.

### 3. МТСТС ва СТЖЭБ (Ш. Алимов)га:

3.1. Мувофиқликни баҳолаш тизимида юзага келаётган муаммо ва таклифларни ўрганиш ҳамда уларни ечиш чоралари кўрилсин.

3.2. Сертификатлаштириш соҳасидаги ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни фақат электрон шаклда қабул қилиш тизими яратилсин ва амалиётга жорий этилсин (муддат 2015 йил 15 март).

3.3. Ўрнатилган талабларга мос келмаган ва мувофиқликни тасдиқлаш жараёнларида салбий натижа кўрсатган яроқсиз маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар, вақтинча амал қилиши тўхтатилган ёки бекор қилинган мувофиқлик сертификатлари, сертификатлаштиришга рад жавоби берилган мурожаатчилар (маҳсулот) рўйхати ҳамда сертификатлаш субъектларига зарур бўлган тезкор маълумотлар “Ўзстандарт” агентлигининг сайтига мунтазам жойлаштирилиб бори лиши таъминланисин.

3.4 Йўналишлар бўйича сертификатлаш идоралари ҳисоботлари ҳар чорак якунлари билан эшигилсин ва теги шли таклифлар раҳбариятга киритилсин.

### 4. СМСИТИ (К. Ўтаев)га:

4.1. Аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар (ILAC ва IAF) процедуруларини амалиётга жорий қилиш ишлари якунига етказилсин (муддат 2015 йил июль);

4.2. Сертификатлаштириш обьектлари (персоналлар) томонидан топширилган буюртмалар асосида сертификатлаштириш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилсин ва сертификатлаш ишлари ўрнатилган тартибда амалга оширилсин (муддат 15 март ).

4.3. Персоналларни сертификатлаш идораси фаолиятини халқаро аккредитациядан ўтказиш борасида аниқ тадбирларни белгиласин ва 2015 йил якунига қадар аккредитация ишлари якунига етказилсин;

4.4. СМСИТИ стратегиясида белгиланган тадбирларни ижроси сўзсиз таъминланисин ва олиб борилган ишлар натижаси маълумот сифатида барча мувофиқликни баҳолаш идораларига етказилсин;

4.5. Мутахассисларни малакасини халқаро даражада ошириш тадбирлари белгиланганилиги қайд этилсин ва уни ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар юзасидан ҳар чорак “Ўзстандарт” агентлигига маълумот киритилсин.

5. АИНБ (Каримов)га:

5.1. Синов лабораторияларини аккредитация жараёнида уларнинг лабораториялараро синовларда иштирок этганлигини ва унинг натижаларини инобатга олинишини таъминлансан;

5.2. Сертификатлаш идоралари ва синов лабораторияларини олиб борилаётган ишлардан хабардор қилиш мақсадида ахборот алмашинувини такомиллаштирилсан ва турли тренингларни ўтказиш чоралари кўрилсан;

5.3. Халқаро тажрибани ўрганиш ва амалга тадбиқ этиш мақсадида сертификатлаш идоралари ва синов лабораториялари ходимларини чет мамлакатларга схизмат сафарига юборилишлари чиқишиларини ташкил этилсан;

6. «Республика ССМ» ДК (Ж.Шукуров) ва МТСТС ва СТЖЭБ (Ш.Алимов) ларга:

6.1. Синаш имкониятига эга бўлмаган маҳсулотларни доимий таҳлил қилсан ва худудий ССМлар синов лабораторияларни аккредитация доираларини кенгайтириш тадбирларини кўрсан;

6.2. Халқаро даражада тан олинган сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва маҳаллий сертификатлаш идораларинатижаларини тан олиш бўйича мақсадли тадбирлар кўрилсан.

7. «Республика ССМ» ДК (Ж.Шукуров)га:

7.1. Барча худудий марказларнинг синов лабораториялари ўтказиладиган лабораториялараро солиштирув синовларида иштирок этишлари таъминлансан.

8. Лабораториялараро солиштирув синовларини ўтказиш бўйича координаторлар (Х.Жалилов, А.Саримсоқов, Б.Ўроқов)га:

8.1. 2015 йил режасига асосан лабораториялараро солиштирув синовлари ўз вақтида ўтказилиши таъминлансан ва натижалари юзасидан тегишли ҳисботлар ҳар чорак якуни бўйича АИНБ га тақдим этилсан.

9. СБТ сертификатлаштириш идораларига:

9.1 Сифат тизимини жорий қилишнинг афзалликлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича 2015 йил режаси ишлаб чиқилсан ва 10 кун муддатда “Ўзстандарт” агентлиги МТСТС ва СТЖЭ бошқармасига тақдим этилсан.

10. Ушбу қарор ижроси юзасидан назорат Бош директор ўринбосари Ж.Мирсаидов ва Аккредитация кенгаши раиси ўринбосари О.Шариповлар зиммасига юклансин.